# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1995 йил
3 февраль
ЖУМА
№ 5 (5.629)
сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


## ДАВОС АНЖУМАНИ ТУГАДИ

Давос жаҳон иқтисодий анжумани давлат бошлиқларини, савдо-саноат доираларининг раҳбарларини, илм-фаннинг етакчи мутахассисларини бирлаштиради. Бу ерда жаҳон иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг турли жиҳатлари хусусида фикрлашиб олинади. Анжуманнинг расмий очилиш маросимида БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий XX асрнинг охирида дунё олдида турган вазифаларни белгилаб берди. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги ёш мустақил давлатлар учун бу давр жаҳон ҳамжамиятида, шу жумладан Европа ҳамжамиятида ўз ўрнини белгилаб олиш даври бўлади. Ана шу анжуман доирасида ўтказилган ягона сессия Ўзбекистонга бағишлангани жаҳон бизнеси етакчиларининг мамлакатимизга зўр қизиқиш билан қараётганидан далолат беради. Сессия юксак ишчанлик муҳитида ўтди. Мамлакат Президенти Ислом Каримов жаҳондаги етакчи фирмалар ва компаниялар раҳбарларига ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий бизнесни ривожлантириш учун қандай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилгани ҳақида сўзлаб берди.

Президентимиз мамлакатимиз бозорини ўзлаштиришни истаган жаҳоннинг етакчи компанияларига кўмаклашишга кафолат бериб, айни пайтда Ўзбекистон ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқли шароит асосида ҳамкорлик қилишга интилаётганини таъкидлади.

— Биз аниқ-равшан лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит оляпмиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан қарзи йўқ.

Республикада ишончли ҳуқуқий база яратилган, сиёсий, иқтисодий барқарорлик таъминланган, ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хорижий тадбиркорларнинг фикрича, буларнинг ҳаммаси бизнинг иқтисодиётимизга сармоя сарфлаш учун қулай шароит яратади, шу жиҳати билан Ўзбекистон бошқа ёш мустақил давлатлардан фарқ қилади. Давосда «Ўзбекистон — ислоҳотларнинг янги босқичида» мавзусида ўтказилган сессиянинг муваффақияти жаҳондаги кўпгина ҳукуматлар ва савдо-саноат доиралари раҳбарларини Президент Ислом Каримов билан шахсан учрашишга ундади. Франция, Германия, Швейцариядаги йирик фирма ва банклар намояндалари билан ана шундай суҳбатлар бўлди. Уларнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг фикрича, бу ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда. Шунинг учун бошқалар ҳам шундай алоқаларни ўрнатишга интилмоқда.

Президент Ислом Каримов ўзига ажратилган боргоҳда Туркия Бош вазири Т. Чиллерни қабул қилди. Бу учрашув Туркия савдо-саноат доираларида катта таассурот қолдирди.

Марказий Осиёда катта мавқега эга бўлган Ўзбекистонга Европада ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Швейцариянинг Алтендорф шаҳрида Ўзбекистоннинг йирик Савдо уйи очилгани бунинг ёрқин намунасидир. Шу тариқа, мамлакатимиз банк тузилмаларининг улкан тармоғи мавжуд бўлган, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бирида ташқи иқтисодий фаолияти юритиб Буюк ипак йўлидаги Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи бўғин сифатида ўзининг тарихий ўрнини тикламоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Савдо уйини очишга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида бу фикрни таъкидлади. Маросимга Европа, Ғарб, Америка йирик саноат корпорациялари ва банкларининг вакиллари келишди. Улар Савдо уйида мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини, Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилигининг хилма-хиллигини намойиш қилаётган буюмлар ва маҳсулотлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Савдо уйи амалий учрашувлар, музокаралар жойи, шунингдек Ўзбекистоннинг Швейцариядаги маданият маркази бўлади.

Буларнинг ҳаммаси нуфузли анжуман доирасида делегациямиз жуда самарали ишлаганини кўрсатиб турибди. Жаҳондаги сиёсий ва савдо-саноат доираларининг вакиллари бўлмиш учрашув иштирокчиларининг фикрича, халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар тизимида Ўзбекистон ўз ўрнини тобора дадил белгилаб олмоқда.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 февраль куни Давосдан Ватанига қайтиб келди.

Давлатимиз бошлиғини Тошкент аэропортида республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎзА).





## ДЕҲҚОН ҚАЛБИДА БАҲОР

Баҳор аслида деҳқон қалбидан бошланади. Бозор расталаридаги янги узилган бодринг, боғлам-боғлам пиёз, турфа кўкатлар, редиска — буларнинг ҳаммаси деҳқон меҳнатининг самараси. Эндиликда Ўзбекистон заминида лимончилик ҳам кенг қулоч ёймоқда. Буни Қуйи Чирчиқ туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин.

Шу кунларда хўжаликда ишлар қизғин: боғ-роғлардаги дарахтларга шакл бериш, озиқлантириш, иссиқхоналардаги экинларни парваришлаш маромида олиб борилмоқда. Хўжаликнинг 6 гектар ердаги иссиқхонасида помидор, бодринг ва бошқа нозу неъматлар етиштириляпти.

Жамоа хўжалиги аъзолари кейинги йилларда лимончиликни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор беришмоқда. Айни чоғда лимонзорлар 1 гектару 60 сотих майдонни ташкил этади.

— Пахтакорлик ҳар биримиз учун ота мерос,— дейди бошқарув раиси Х. Холматов.— Биз пахта етиштиришни кўпайтирган ҳолда шу куннинг талабидан келиб чиқиб, кичик корхоналар қураяпмиз.

Ҳозир бу хўжаликда ун ва ёғ ишлаб чиқариш ҳамда бўз тўқиш цехлари ишлаб турибди.

Абдулла ТУРДИЕВ.



*СУРАТЛАРДА: Хўжалик миришкори Б. Тўхтамуродов ва хўжалик саркори Х. Холматов. 2. (чапдан) Бухажар Жўраева билан Розия Тожибоевалар пешқадам сабзавоткорлардан. 3. Катта майдондаги лимонзорни ташкил этишда Абдумутал Сатторов (ўртада)лар оиласи аъзолари биринчилардан бўлиб, бу хайрли ишга бош қўшишди. Ҳозир лимонзорда ишлар қизғин.*

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## КЎКЛАМГА ТАХТ

Амударё туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида 1994 йили тармоқнинг барча соҳаларида яхши кўрсаткичларга эришилди. Айниқса, пахта хом ашёси етиштириш ва давлатга сотиш режаси ортиғи билан бажарилди.

Хўжалик миришкорлари 1995 йилда ҳам асосий экиндан юқори ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Айни паллада ерларни кўкламга тайёрлаш, мавжуд техника воситаларини сифатли таъмирлаш, маҳаллий ўғит жамғариш каби қишки юмушлар қизғин олиб борилмоқда.

Хўжаликнинг Худойберди Қўчқоров, Абдулла Раҳимов, Каримбой Сейтаковлар етакчилик қилаётган бригадаларида эса шўр ювиш ишлари тугалланиб, барча майдонларга яхоб суви берилди.

— Қишлоқ хўжалигида асосий иш техника зиммасида. «1995-1996 йилларда қишлоқ хўжалиги мажмуининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» республика Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган қарори айни муддао бўлди,— деди хўжалик бошқаруви раиси Собир Бобожонов. — Ҳозир устахонада иш қизғин. Эскирган, ишга яроқсиз техника воситаларининг айрим қисмлари ва механизмлари қайта таъмирланмоқда. 4 та терим машинаси, 2 та ўрим комбайини, 3 та чопиқ трактори, 5 та сеялка, 7 та мола, 9 та борона сифатли созланиб, кўкламга тахт қилиб қўйилди. Бундан ташқари хўжаликка яна 6 та янги техника келтирилади. Ҳозир жами 300 тонна маҳаллий ўғит жамғарилди. Бу ишда колхоз аъзолари Бозоргул Давлатбоева, Гулжон Йўлдошева, Гулчеҳра Бекберганова ва тракторчи Наби Холимбетовлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Холмурод ОТАМУРОДОВ.

• Долзарб мавзуда суҳбат

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚАЧОН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ?

**Республикамиз халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар рўй бермас экан, ҳаётимизда ўзгариш бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бу фикрни бот-бот такрорлаши бежиз эмас. Хўш, тармоқни ривожлантириш учун бугунги кунда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг янги раҳбари, академик Расулмат Ҳусанов билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.**

*— Расулмат ака, аввало тармоқдаги мавжуд аҳвол ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Дарҳақиқат, республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Шу боисдан ҳам юртбошимиз тармоқни ривожлантиришга жуда катта эътибор беряпти. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича катта масалалар ҳал этиляпти. Президентимиз Фармонига асосланиб республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарор ҳам қишлоқ ҳаётида катта воқеа бўлди. Хўжаликлар аста-секин қаддини тикламоқда. Мулкчиликнинг турли шаклидан фойдаланиш тараққиётнинг бош омили бўлаётир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини қондириш, саноатни хомашё билан таъминлашдек муҳим вазифани амалга ошириш муаммолари ечимини топяпти. Аммо Президентимиз яқинда бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаганидек, бу соҳада сусткашликка йўл қўйилаётгани рост. Маҳсулот етиштириш тубдан кўпаяётгани йўқ. Жумладан, пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бажарилмади. Республикамиз эҳтиёжи учун бир қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари четдан келтирилмоқда. Ўзбекистон четга нафақат пахта ва қоракўл тери, балки сабзавот ва мева, полиз маҳсулотлари, асал, ҳатто дон ва дон маҳсулотларини ҳам экспорт қилиш имкониятига эга. Айни пайтда бу борада жиддий ишлар олиб борилмоқда.

*— Қишлоқ хўжалиги вазирлигига кейинги йилларда бир неча раҳбар келиб кетди. Энди сиз... тармоқда туб бурилиш ясаш учун қандай йўл тутмоқчисиз?*

— Қишлоқ хўжалигидаги муаммоларнинг ҳаммаси аввало барча ишлаб чиқариш воситалари ва моддий бойликларнинг кимнинг қўлида эканига бориб тақалади. Мулк ўз эгасига топширилмас, бошқарув тизимида ўзгариш бўлмас экан, аҳволнинг ўнгланиши қийин. Мен раҳбар сифатида қишлоқ хўжалиги соҳасида бошланган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотни охирига етказишни асосий вазифам деб биламан. Тўғри, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда мулкчиликнинг турли шаклларига кенг йўл берилаётгани, давлат хўжаликлари ўрнида жамоа ва фермер хўжаликлари ташкил этилгани билан аҳвол ўзгариб қолгани йўқ. Биз, аввало, деҳқонларнинг тўла эркинлигига эришишимиз, уларда ўзлари етиштирган маҳсулотга мустақил эгалик қилиш ҳиссини тарбиялашимиз керак. Шу ўринда қишлоқ хўжалигининг бошқарув тизимини ҳам бутунлай қайта қуришга тўғри келади. Шу маънода, вазирлик бошқарув аппаратининг фаолият йўналишлари ва вазифаларини давр талабларига мос равишда қайта кўриб чиқяпмиз. Вазирлигимиз эндиликда қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш билан эмас, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда амалий ёрдам бериш билан шуғулланиши зарур, деб ҳисоблайман. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоизи давлатга қарашли бўлмаган хўжаликларда ишлаб чиқарилаётган экан, биз жамоа ва фермер хўжаликлари қандай масалаларни ўзлари, қайсиларини биз билан биргаликда ҳал этишини аниқ белгилаб олишимиз муҳим. Умуман, мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар барча хўжаликларни сифатли уруғлик, ўғит, агротехника билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатишни юқори савияда ташкил этиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Энг муҳими, уларнинг хўжаликни илмий асосда юритишига кўмаклашишимиз зарур.

*— Шу ўринда фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қандай йўлга қўйилади?*

— Албатта, республикамизнинг ер-сув ресурслари ҳисобли. Ҳар йили қурилиш ва бошқа эҳтиёжлар учун ўртача 10-12 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетаётир. Янги ўзлаштирилаётган ерлар бунинг ўрнини зўрға қоплайди. Маҳсулот етиштиришни биз фақат ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтиришимиз керак. Фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва тажрибаларга таянмай бунинг уддасидан чиқиш мушкул. Аммо, фан даргоҳларида яратилган илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда қатор муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Яқинда вазирлигимизда республика Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг олим ва мутахассислари, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари иштирокида катта анжуман ўтказдик. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантириш бўйича олимлар билан биргаликда қисқа муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Унда 1995-96 йилларда вазирлигимиз ва республика Қишлоқ хўжалик фанлар академияси томонидан амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб берилган. Республика қишлоқ хўжалигининг илғор техникавий ечимларга, янги технологияларга бўлган эҳтиёжини қондириш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни жадаллаштириш мақсадида вазирлигимиз қошида фан-техника ютуқларини жорий этиш маркази тузилди. Ундан тушган фойда олимларнинг маошини ошириш, илмий изланишлар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратишга сарфланади. Ишлаб чиқаришни илғор техника ва технология билан қуроллантиришда жаҳоннинг илғор тажрибаларига ҳам суяниб иш кўрмоқчимиз. Шуни эътиборга олган ҳолда вазирлигимизда ишбилармон, уддабурон, юқори малакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга катта эътибор беряпмиз. Уларнинг малакасини ошириш мақсадида хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари режалаштирилмоқда. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда вазирлигимизнинг ваколатхоналарини очиш ниятимиз ҳам бор.

*— Расулмат ака, республикамизда бошоқли дон маҳсулотлари етиштиришга катта эътибор берилаётир. Бу ғалла мустақиллигини таъминлаш билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа қатор соҳалари ривожига ҳам яхшигина туртки бўлса керак?*

— Бугунги кунда республикамизнинг ғалла мустақиллигига эришишига ишонмаган киши топилмаса керак. Бошоқли дон экинлари майдони кескин кенгайтирилмоқда. Бу йил ана шу мақсадда 1300 минг гектар суғориладиган ер майдони ажратиш режалаштириляпти. Агар ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан ҳосил олинганда ҳам тўрт миллион тоннадан ортиқ дон етиштириш мумкин. Ғалладан бўшаган майдонлар эса тезпишар пахта, маккажўхори, сабзавот, айниқса, кейинги пайтларда эътибордан четда қолган дуккакли дон экинлари етиштириш имконини беради. Бу вазифани аввало селекция ва уруғчилик фани ютуқларидан самарали фойдаланибгина амалга ошириш мумкин. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган хўжаликларни, фермерларни, қўшма ва кичик корхоналарни юқори ҳосил берадиган уруғлик билан таъминлаш муаммоси туфайли ўтган йили ғалладан бўшаган 600 минг гектар майдоннинг атиги 200 минг гектарига такрорий экин экилди, холос. Бу йил бундай салбий ҳолга йўл қўймаслик учун вазирлигимиз тизимида уруғчилик фирмаси ташкил қиляпмиз. Ўз навбатида экинларнинг юқори ҳосил берадиган тезпишар навларини танлаб экиш, шунингдек, ерга уруғни ўз вақтида қадаш ҳам катта аҳамиятга эга эканини унутмаслик керак.

Биз энг асосий бойликка эгамиз. Бу юртимиздаги тинчлик ва барқарорликдир. Демак, бутун кучимизни, билим ва тажрибаларимизни бунёдкорлик ишига сарфлашга шароит бор. Қишлоқ аҳли мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлаш, эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқда. Ўйлайманки, 1995 йил қишлоқ хўжалигида бурилиш даври бўлади. Юртбошимиз айтганларидек, ғоят унумдор тупроққа, деҳқончилик учун айни қулай табиий шароитга, меҳнаткаш халқига эга бўлган Ўзбекистонимиз тез орада қаддини тиклаб, ривожланган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишга қодир. Мен қишлоқ хўжалик ходимлари, бутун қишлоқ аҳлига шарафли ишларида муваффақият тилайман.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

## ШЎР ЮВИШ ЗАМИННИ СОҒАЙТИРАДИ

Туманимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ювишни сифатли ўтказиш ва пировард натижада йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириш борасида яхши тажриба тўпланган. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, ана шу оби-ҳаётнинг ҳар томчиси зар эканлигини, айниқса, ерлари шўрланган Хоразм воҳаси меҳнаткашлари яхши билишади. Чунончи, янгиариқликлар жорий йил ҳосили учун пухта замин яратилаётган ҳозирги кезларда бевосита деҳқончилик билан боғлиқ қишки ва кўклам олди тадбирларни қизғин олиб боришмоқда. Гап шундаки, бизнинг туман шароитида ерларнинг шўрини ювиш муҳим тадбир ҳисобланади. Биз ана шуни эътиборга олган ҳолда камчил сувнинг қадрига етиб, унинг ҳар томчисини эъзозлаб иш тутишни олдиндан аниқ-пухта режалаштириб олганмиз.

Шўр ювиш учун бизга 100 миллион куб метр сув лимити ажратилган. Туманимиз бўйича 16 минг гектардан зиёд ернинг шўри 2-3, баъзи жойларда 3-4 маротаба ювилиши шарт. Акс ҳолда мўлжалдаги ҳосилни етиштириб бўлмайди, чунки 2 минг гектардан зиёд майдон кучли, 6 минг гектари ўртача ва 8 минг гектари нисбатан кам шўрланган ерлардир. Шу рақамларнинг ўзиёқ тадбирлар қамровини кенгроқ олишни, аниқ дастур ишлаб чиқиб, шўр ювишни ерларнинг шароитига, ҳолатига, қолаверса, тажрибалар натижасини чуқур таҳлил этган ҳолда адо этишни тақозо этади. Туманимизда ҳозиргача 913 километр узунликдаги хўжаликлараро ва ички канал-зовурлар тозаланиб, 2 миллион кубометрдан зиёд тупроқ ишлари бажарилди. Чунончи, секундига 66 куб метр сув ўтказадиган 2 та канал ва унинг шохобчалари шўр ювишга киришишга тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, «Янгиариқ», «Шеробод» каналлари ва бир қанча кичик сув йўллари, улардаги гидротехник иншоотлар қайта қурилди ёки таъмирланди.

Илгарилари туманимиздаги экин майдонларининг 65 фоизи насослар ёрдамида суғориллар эди. Табиийки, бозор иқтисодиёти бу борада ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Ёнилғи-мойлаш материаллари ва электр энергиясининг баҳоси ошиб кетди. Бу эса пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш таннархини кескин ошириши табиий, албатта. Аслида мутахассислиги ирригатор бўлган туман ҳокими Шоназар Жабборов бу масалага жиддий эътиборни қаратди. Имконият даражасидаги ҳамма куч ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, янгича «Шеробод» тизими барпо этишга қаратилди. Ташаббус ва тадбиркорлик туфайли муҳим тадбирлар қўлланилди. Барча деҳқонлар, мутахассислар ва раҳбар кадрлар бу ишга янада кенгроқ жалб этилди. Асосий мақсад деҳқончилик самарадорлигини тағин ҳам ошириш бўлса, энг муҳими, деҳқонлар оғирини енгил қилиш кун тартибидаги биринчи вазифага айлантирилди. Ҳолбуки, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва сақлаб қолиш қишлоқ хўжалиги соҳасида катта аҳамиятга эга. Буларсиз деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳеч қайси тармоғини ривожлантириб бўлмайди. Шўр ювишнинг асл моҳияти ҳам ана шунда.

Натижада «Гулистон» жамоа хўжалигида 2 та, «Остона» ва «Оқ мачит» жамоа хўжалигида — 4 та насос вақтинча тўхтатилди. Мумкин қадар далаларни насослардан фойдаланмаган ҳолда оқар сув билан суғориш ва шўрини ювиш йўлга қўйила бошланди. Бир мавсумнинг ўзида бу хўжаликларда 600 тоннадан зиёд ёнилғи тежаб қолинди. Биргина «Хоразм» жамоа хўжалиги жорий йилда шу йўл билан ёнилғидан 1 миллион 400 минг сўм атрофида иқтисод қилиб қолишни режалаштирган.

Дарвоқе, ёрдамчи хўжалигимиз мавжуд. Бултур шўр босган 5 гектар майдонда шоли етиштириб, 17,5 тонна ҳосил олдик. Шунингдек 33 қути асалари боқилмоқда. Мева-чева ҳам ўзимизда етиштирилмоқда.

Булардан ташқари хўжаликлар ҳам ўз имкониятларини ишга солмоқдалар. Аввало ички ариқларни бир-бирига улаб, уларда сув сатҳини кўтарувчи кичик гидротехник иншоотларни барпо этмоқдалар ва насосларни ишлатишдан воз кечмоқдалар. Шу ўринда участка бошлиғи Йўлдош Нурматов, участка гидрометри Қўшназар Бобожонов, сувдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Сотимбой Панёевларни алоҳида тилга олиш жоиз.

Туманда фойдаланиладиган ерлар нисбатан кам. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда экин майдонлари 0,2 гектардан тўғри келади. Туман аҳолисининг тобора ўсиб боришини ҳисобга олсак, янгитдан ерлар ўзлаштирилиши ҳаёт тақазоси эканлигини кўрамиз. Эски ва янги «Озерний» коллекторлари оралиғидаги 3,5 минг гектар қум майдони шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилиши кутилмоқда. «Гулистон» жамоа хўжалигида 37 гектар янги ер ўзлаштирилди. «Остона» жамоа хўжалигида 60 гектар, «Оқ мачит» жамоа хўжалигида эса 150 гектар майдонни ўзлаштиришга киришилди. Ҳар йилгидай туман сув хўжалиги бирлашмаси шўр ювишни сифатли, энг мақбул муддатларда ўтказади.

Раҳимберган ТОИРОВ,
Янгиариқ тумани сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи.

